ЯНГИ НАШР

Б. Абдуҳалимов

“Макорим ал-ахлоқ” асарининг илмий-изоҳли тўлиқ таржимаси ҳақида

Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (Олижаноб хулқлар). / Форс тилидан таржима, изоҳлар, кириш ва иловалар муаллифи Комилжон Раҳимов. Тошкент: Akademnashr, 2017. – 372 бет.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши улуғ аждодларимиз қолдирган бой тарихий-маданий меросни кенг ўрганиш ва тарғиб этиш, жумладан, собиқ шўролар замонида ўрганилиши тақиқланган ёки чекланган шахслар – давлат, илм-фан ва маданият арбоблари ҳаёти, фаолияти ва ижодини кенг ва холисона ёритиш имкониятини берди. Мустабид тузум даврида ҳаёти ва фаолияти, бадиий ва илмий ижодининг кўпгина қирралари ёритилмасдан қолган улуғ аждодларимиздан бири буюк шоир ва олим, йирик давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийдир. Мустақиллик шарофати билан ушбу буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодининг барча жиҳатлари билан кенг танишиш имконияти туғилди.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва кўп қиррали фаолияти тўғрисида турли манбаларда кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирилган. Жумладан, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ас-саъдайн ва мажмаъ ал-баҳрайн” [1], Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола” [15], улуғ шоир ва мутафаккир Абдурраҳмон Жомий кўплаб асарлари, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират аш-шуаро” [3], Муҳаммад ибн Ховандшоҳ ибн Маҳмуд Мирхонднинг “Равзат ас-сафо” [7], Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамирнинг “Хулосат ал-ахбор” [13], “Ҳабиб ас-сияр” [14] ва “Макорим ал-ахлоқ” [9; 10; 11], Сом Мирзо Сафавийнинг “Туҳфайи Сомий” [8], Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг “Бадойиъ ал-вақойиъ” [4], Абдулвосиъ Низомий Бохарзийнинг “Мақомоти Жомий” [2], Мирзо Абдуллоҳ Афанди Исфаҳонийнинг “Риёз ал-уламо ва ҳиёз ал-фузало” [6], Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” [5] асарлари ва шу каби бошқа кўпгина манбаларда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида турли даражадаги маълумотлар келтирилган. Бироқ булар орасида Хондамирнинг “Макорим ал-ахлоқ” асари Алишер

Навоийнинг ҳаёти ҳамда адабий, илмий, сиёсий, ижтимоий фаолияти, шунингдек, унинг буюк шахсияти, олий инсоний фазилатлари, мамлакат, давлат, халқ, маданият, адабиёт ва илмга қилган улкан ва беқиёс хизматлари тўғрисидаги энг кўп маълумотларни ўз ичига олган китоб ҳисобланади.

Буюк шоир темурий Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукуматининг вазири сифатида ўзининг актив сиёсий фаолияти билан давлатни марказлаштириш ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ушбу давлатнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, махсус лойиҳалар ва дастурлар амалга ошириш орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда халқнинг фаровонлик даражасини ошириш ишига катта ҳисса қўшиш баробарида олимлар, шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, табиблар, ҳунармандлар, меъморлар ва муҳандисларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериши билан илм-фан, маданият, адабиёт ва санъатнинг ривожланишида беқиёс ўрин тутди. Алишер Навоийнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда илм-фан, маданият, адабиёт ва санъатнинг тараққий топиши учун лозим бўлган инфратузилма иншоотлари – йўллар, кўприклар, меҳмонхоналар, ҳовузлар, ҳаммомлар, шифохоналар ҳамда ўша даврнинг олий ўқув юртлари бўлмиш мадрасалар қуриш борасида кўрсатган саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Шоирнинг кутубхоналар ҳамда адабий ва илмий тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш, рассомчилик, наққошлик, меъморчилик ва муҳандислик каби муҳим фаолият турлари соҳасида амалга оширган ишлари темурийлар даври маданияти тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб хизмат қилган бўлса, таълим соҳасида амалга оширган тиббиёт ўқув юртлари очиш, кўплаб ўқув юрт талабаларига стипендиялар тайинлаш каби муҳим ишлари ўша давр таълим тизими учун катта янгилик бўлган.

Хондамирнинг “Макорим ал-ахлоқ” асари Алишер Навоий фаолиятининг қайд қилинган қирраларини кенг миқёсда ёритиб беришга бағишлангани боис навоийшуносликда алоҳида илмий қимматга эга. Қисқача қилиб айтганда, “Макорим ал-ахлоқ” буюк алломанинг шоир ва олим, давлат ва жамоат арбоби, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатидаги шахсиятини бор бўйи билан кўрсатиб берадиган муҳим манбадир. Асар дебоча, мукаддима, ўн мақсад (боб), хотима ҳамда Навоийнинг қандай вафот этганлиги тўғрисидаги бобдан иборат. Уларда асосий диққат-эътибор улуғ ижодкорнинг донишмандлиги ва юксак заковати, олимлик, шоирлик ва ёзувчилик борасидаги истеъдодлари ҳамда раҳмдиллик, сахийлик ва хокисорлик каби гўзал хулқлари ва олижаноб хислатларига қаратилиган. Шунингдек, асарда буюк шахс ҳаётида унинг болалик чоғларидан тортиб

умрининг охиригача бўлган даврда юз берган муҳим воқеаларни ҳам имкони борича қамраб олишга ҳаракат қилинган.

Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамирнинг “Макорим ал-ахлоқ” асари ўзбек навоийшунослигида яхши ўрганилган бўлиб, шу пайтгача Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишда кенг фойдаланиб келинган манбалардан ҳисобланади. Форс тилида ёзилган “Макорим ал-ахлоқ” асари биринчи марта 1941 йили Алишер Навоий таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан М. Фахриддинов томонидан қисқартирилган ҳолда ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган [9]. Асарнинг ушбу ўзбекча таржимаси кейинчалик 1948 ва 1967 йилларда М. Фахриддинов ва П. Шамсиевлар томонидан икки марта қайта нашр этилади. Унинг қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашри нисбатан мукаммалроқ нашр ҳисобланади [10]. Бироқ айтиб ўтиш лозимки, таржимонлар коммунистик мафкура ҳукмронлиги замони талабига кўра асардаги диний қисмлар ҳамда ўша давр сиёсатига зид деб топилган бошқа ўринларни таржима қилмасдан ташлаб кетишга мажбур бўлишган. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши шўро даврида мавжуд бўлган тўсиқларни олиб ташлаш имкониятини берди. “Макорим ал-ахлоқ”нинг иккинчи, тўлиқ илмий-изоҳли таржимаси айнан ана шу мустақиллигимиз шарофати билан вужудга келган янги муҳит маҳсулидир.

“Макорим ал-ахлоқ” асарининг ёш шарқшунос Комилжон Раҳимов томонидан амалга оширилган бўлиб, у 372 саҳифадан иборат. Илмий-изоҳли таржима ўзининг бир неча жиҳатлари билан бугунги кун илмий талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган мукаммал таржима асар сифатида ажралиб туради. Жумладан, мазкур нашрда асарнинг олдинги таржимасида мавжуд бўлган камчиликлар ва хатоларни тузатиш билан бирга, асарни ҳозирги ўзбек тилига бугунги кун илмий терминлари ва тушунчалари билан аниқ ва равон таржима қилинган. Таржиманинг бу нашри ҳозирги замон илмий талабларига риоя қилинган ҳолда саҳифа остидаги ҳаволаларда келтириладиган керакли изоҳлар билан таъминланган. Бундай изоҳларнинг сони етти юзтадан ортиқ эканлигининг ўзи таржимоннинг асар таржимасига қанчалик масъулият билан ёндошганини кўрсатади. Айтиб ўтиш лозимки, мазкур ҳаволаларда асар матнида келган Қуръони карим оятлари ва ҳадислар таржимаси, шеърий парчалар форсча аслининг кирилл ёзувидаги транскрипцияси, оддий ўқувчи учун тушунилиши қийин бўлган арабча, форсча ва туркийча тарихий, илмий, диний ва ирфоний терминлар изоҳи, асар матнида келтирилган ҳижрий-қамарий йил ҳисобидаги саналарнинг милодий йил ҳисобида қайси санага тўғри келиши, асарда номлари келтирилган тарихий шахслар тўғрисида қисқача маълумотлар, асарда эслатиб ўтилган муҳим тарихий воқеалар тўғрисида қисқача маълумотлар,

асар матнида келтирилган муаммо ва таърих жанрига оид шеърларнинг ечимлари ҳамда керакли ўринларда “Макорим ал-ахлоқ” асарининг турли нусха матнлари ўртасидаги таржимага таъсир кўрсатадиган даражадаги тафовутлар тўғрисида аниқ ва батафсил маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотчи ва таржимон, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Комилжон Раҳимов томонидан амалга оширилган ушбу таржима-тадқиқот, бир томондан, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганиш ишига қўшилган ҳисса бўлса, иккинчи томондан, халқимизнинг тарихий ва маданий меросига оид бўлган форсий манбаларнинг ўзбек тилига қилинган яхши таржималаридан бир намуна бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ас-саъдайн ва мажмаъ ал-баҳрайн. Тошкент, 1969.
2. Абдулвосиъ Низомий Бохарзий. Мақомоти Жомий. / Нажиб Мойил Ҳиравий таҳрири остида. Теҳрон, 1992.
3. Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират аш-шуаро / Нашрга тайёрловчи: Муҳаммад Рамазоний. Теҳрон, 1987.
4. Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадойиъ ал-вақойиъ / Александр Болдирев таҳрири остида. Теҳрон, 1971.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. / П.Шамсиев, С.Мирзоев, Эйжи Мано (Япония) нашри асосида қайта нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. Тошкент, 2002.
6. Мирзо Абдуллоҳ Афанди Исфаҳоний. Риёз ал-уламо ва ҳиёз ал-фузало / Нашрга тайёрловчилар: Саййидаҳмад Ҳусайний ва Саййидмаҳмуд Маръаший. Қум, 1984.
7. Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонд. Равзат ас-сафо. / Нашрга тайёрловчи: Зарёб Хуий. Етти жилдлик. Теҳрон, 1373/1994.
8. Сом Мирзо Сафавий. Туҳфайи Сомий / Рукниддин Ҳумоюн Фаррух таҳрири остида. Теҳрон, 1996.
9. Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (“Яхши хулқлар”). / М.Фахриддинов ва П.Шамсиев таржимаси. Тошкент, 1941.
10. Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (“Яхши хулқлар”) / М.Фахриддинов ва П.Шамсиев таржимаси. Тошкент, 1967.
11. Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ал-ахлоқ / Муҳаммад Акбар Ашиқ таҳрири остида. Теҳрон, 1999.
12. Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ал-ахлоқ (Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти, асарлари ва қурилиш-ободончилик ишлари

тўғрисида). / Муқаддима, таҳрир, изоҳлар ва шарҳлар муаллифи Абдулғаффор Баёний. Кобул, 1981.

13. Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Хулосат ал-ахбор фи баён ал-аҳвол ал-ахёр (“Яхши кишиларнинг ҳаётлари тўғрисида қисқача маълумотлар”) / Нашрга тайёрловчи: Гўё Эътимодий. Кобул, 1966.

14. Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ас-сияр фи ахбори афрод ал-башар (“Инсонлар қиссаларидан энг яхши таржимайи ҳоллар”) / Нашрга тайёрловчи: Устод Жалолиддин Ҳумоий 4 жилд. Теҳрон, 1954.

15. Ҳусайн Бойқаро. Рисола. / Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймонов. Тошкент, 1991.